

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 10502,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизга тенг бўлди.



2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 120,7 фоизни ташкил қилди.

### Январь-март ойларида Тошкент шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>8121,9</b>	<b>10502,3</b>	<b>107,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7214,8	9386,3	107,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	907,1	1116,0	107,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>7214,8</b>	<b>9386,3</b>	<b>107,2</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2492,8	3531,8	107,3
саноат	1970,5	2802,6	106,5
қурилиш	522,3	729,2	110,6
Хизматлар	4721,9	5854,5	107,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1627,6	2010,7	100,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1140,9	1436,2	116,7
бошқа хизматлар	1935,4	2407,6	107,0

## Январь-мартида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

(жамига нисбатан фоизда)



2018 йилнинг январь-март ойларида Тошкент шаҳрининг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (106,5%), ташиш ва сақлаш, алоқава ахборот хизматлари (116,7%), қурилиш (110,6%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 46,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартида 47,4 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 62,3 фоиз (2017 йил январь-мартида 65,5 фоиз)ни ташкил қилди.